



Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

• 2013-йил, 13-июл. Shanba • 83 (31.673)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-йил 21-июндан чиқа бoshлаган

• www.uzbekistonovozi.uz

Барча даражадаги партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатларда кўтарилган масалаларга ижобий ечим топиш, электорат ҳуқуқ ҳамда манфаатларини самарали ҳимоя қилиш йўлида тизимли фаолият кўрсатиши зарур.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 91 530 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 179 020 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 179 020 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 109 850 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўйиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳоли иқтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда

муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақиға мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги ПФ-4482-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2013 йилнинг 15 августидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 11 июль



КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

ислохотларнинг муҳим асоси

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан сўнг Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатимизнинг тараққиёт стратегияси, унинг устувор йўналишлари ва асосий тамойиллари белгиланди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш эзгу мақсад сифатида белгиланди.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП депутати: мавзу атрофида мулоҳаза ва таклиф

Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш

электорат манфаатини самарали ҳимоя қилишда,
партиянинг таъсир кучини оширишда муҳим ўрин тутади

Олтириқ тумани «Олмазор» кўчасида истиқомат қилувчи Ойбек Имиёнов Кўқон темир йўллари коллежини тамомлаган. Маҳаллада ЎзХДП томонидан ўтказилган тадбирларнинг бирида иштирок этиб, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишда партия ташкилотларининг вазифалари, депутат ваколати ҳақида атрофлича тушунчага эга бўлган эди...

«Ғалабамни мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигига бағишлайман»

— дейди XXVII Бутунжаҳон
универсиадаси олтин медали
совриндори Ҳасанбой Дўстматов

Қозон шаҳрида «Жисмонан ва руҳан баркамоллик» («Excellence in mind and body») шиори остида ўтказилаётган XXVII Бутунжаҳон универсиадаси баҳслари якунига етмоқда. Унда Ўзбекистон талаба-спортчилари ҳозиргача битта олтин, етти та кумуш ва саккизта бронза медалига сазовор бўлди.

Мамлакатимизда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароит яратишга доимий эътибор қаратилаётгани туфайли халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган чемпионларнинг янги авлоди етишиб чиқмоқда. Ана шундай иқтидорли ёш спортчилардан таркиб топган Ўзбекистон спорт делегацияси вакиллари Бутунжаҳон универсиадасида ҳам юқори натижаларни кўрсатаётгани қалбларимизни гурур ва ифтихорга тўлдиради.



Суратда: универсиада чемпиони
Ҳасанбой Дўстматов (чапда).

4-бет

Қонун лойиҳаси синовларининг дастлабки натижалари

Бухоро ва Самарқанд вилоятларида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормалари синовдан ўтказилмоқда. Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ўртасида ташкил этилган онлайн-видео-конференцияда ушбу ҳуқуқий таҳрибани амалга ошириш жараёни муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилинган мазкур тадбирда депутатлар, ҳуқуқий таҳрибани ўтказиш бўйича ишчи комиссияси аъзолари, миллий экспертлар, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг масъул ходимлари, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуника-

ция технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари Х.Ғойилов ва Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари В.Раҳимов тадбир иштирокчиларига ҳуқуқий таҳрибанинг роли ва аҳамияти, бу борада амалга оширилаётган ишларнинг муҳим йўналишлари ҳамда эришилаётган ютуқлар ҳақида сўзлаб берди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Президентимиз Ислам

Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш процедураларини белгилайди.

Жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтларини қонуннинг ҳақиди синовдан ўтказилаётгани, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларидан ахборот олиши бўйича янги имкониятлар ҳақида кенг хабардор қилиш мақсадида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида фуқаролар иштирокидан 120 дан зиёд учрашув ўтказилган. Ушбу вилоятлар ҳокимликлари ва бошқа давлат органлари бошқарув аппарати ходимларига ҳуқуқий таҳриба ўтказиш

қоидалари юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ишчи комиссияси аъзоларининг сўзларига кўра, таҳриба яқиндан бўён ўтказилаётган бўлса-да, ушбу ҳудудларда фуқароларнинг сиёсий ва ахборот олиш фаоллиги ошгани, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ёзма ҳамда оғзаки мурожаатлар сони кўпайгани кузатилмоқда. Статистика шуни кўрсатадики, 2013 йилнинг иккинчи чорағида бундай мурожаатлар сони биринчи чорағидан нисбатан икки баробар ошган ва бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 1514, Бухоро вилоятида эса 1230 тани ташкил қилди.

Яқинда эса [legalexperiment.uz](http://www.legalexperiment.uz) манзили бўйича лойиҳанинг «Ҳуқуқий таҳриба» деб номланган веб-сайти ишга туширилди. Бунинг натижасида жамоатчиликни ҳуқуқий таҳриба ўтказиш тўғрисида мунтазам хабардор

қилиб бориш, қонун лойиҳаси нормаларини модда-модда муҳокама қилиш, таҳриба ўтказиш билан шуғулланаётган ҳокимият органлари вакиллари рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларнинг саволларини юбориш имконияти пайдо бўлди.

Шуни таъкидлаш керакки, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ишлаётган журналистларнинг самарали меҳнати натижасида ушбу ҳудудлар аҳолиси ўтказилаётган синовлар тўғрисида тезкор ва долзарб ахборотга эга бўлмоқда. Айни пайтда Бухоро вилоятида 41, Самарқанд вилоятида 59 оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан ҳуқуқий таҳрибага оид қарийб икки юзта ахборот ва таҳлилий материал чоп этилди, эфирга узатилди, уларнинг сони кун сайин кўпайиб бораётди.

Шунингдек, тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини жонлантиришга ҳам эътибор қаратилди.

Конференцияда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА муҳбири.

Қонунлар
ижросини
таъминламасдан
ахборот ва сўз
эркинлигига эришиб
бўлмайди

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида



Тинчлик —
фаровонлик
омили

www.uzbekistonovozi.uz

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Кучли ижтимоий сиёсат ислохотларнинг муҳим асоси

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан Темурийлар тарихи давлат музейида ўтказилган давра суҳбатидида «Истиқлол йилларида кучли ижтимоий ҳимоя ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш масалалари» ҳақида сўз юритилди. Давра суҳбатини Темурийлар тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори Нозим Ҳабибуллаев очаркан, йигирма икки йил давомида бу борада эришилган тарихий ютуқлар мазмун-моҳиятини таҳлил этиб, уларнинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди.

— Мамлакатимизда ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилгани, ижтимоий масалаларга давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилгани халқимизни огир оқибатлардан асраб қолди, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — 22 йиллик мустақил тараққиёт йилларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, умуман, барча соҳада тарихий ўзгаришлар рўй берди. Аниқ рақамлар билан айтиладиган бўлса, Ўзбекистон иқтисодиёти 3,4 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ўсди. Аҳолининг ялпи даромади тахминан 9 марта ошди.

Истиқлол йилларида ижтимоий соҳа учун давлат харажатлари 5 баробардан зиёд бўлди. Бугунги кунда давлат бюджетиди харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадларига йўналтирилган маблағлар ҳажми йилдан йилга ошиб бораёпти. Бу дунё микёсида камдан-кам учрайдиган қўрсаткич бўлиб, юртимизда бош мақсад, аввало, инсон манфаатига қаратилганини

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ҳар томонлама кўрсатмоқда.

Таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши бўйича мамлакатимизда ўтказилган халқаро анжуманлар ва экспертларнинг юқори баҳолари бунинг исботи, десак муболага бўлмайди.

ЎзХДП мамлакатда ижтимоий ислохотлар изчил олиб борилиши тарафдоридир. Шундай экан биз кучли ижтимоий сиёсатни ҳар доим фаол қўллаб-қувватлаймиз ҳамда партия ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатини ҳимоя қилиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантириш тарафдоримиз.

Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ўтган йили Буюк Британиянинг жаҳон тан олган Лигатул институтини фаровонлик ва ривожланиш индекси бўйича Ўзбекистон дунё давлатлари орасида 64-ўринда эканини қайд этди. Дунёда давлат ҳам, миллат ҳам кўп. Улар қаторида бизнинг мамлакатимиз қисқа фурсатда бундай даражага эришиши олиб борилаётган ислохотлар одамлар ҳаёти даражасини оширишга бевосита қаратилгани натижасидир.

Бизнинг мақсадимиз эса дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари сафига киришдир. Бугун юритилаётган одил сиёсатни халқимиз баҳамжикхат қўллаб-қувватлаётгани бундай кунлар янада тезроқ келишига замин яратди.

Искандар АЗИЗОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Парламентимиз мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар



ни қабул қилмоқда. 2012 йилда Қонунчилик палатаси томонидан 30 та қонун қабул қилинди. Уларнинг 9 таси Президентимиз илгари сурган Концепцияга мувофиқ тайёрланди.

Энг муҳими, мазкур қонунлар аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун қулай шароит яратиш, замонавий қайта ишлаш ҳамда янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтиришга қаратилган.

Жорий йилда юртимизда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланган. Хусусан, тоғли ҳудудларда жойлашган 28 та туманда камиди 126 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида меҳнат бозорига қийинчиликка учираётган жисмоний имконияти чекланган ва бошқа шахслар учун 100 мингга яқин янги иш ўринини захира қилиш белгиланган. Шунингдек, бу йил касб-ҳунар коллежларининг 500 мингдан зиёд битирувчиси ишга жойлаштириш керак. Бу мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя масалаларига қанчалик юқори даражада эътибор қаратилётганини кўрсатади. Партия ташкилотлари, барча даражадаги депутатлар мазкур ишлар бажарилишида жонқуярлик кўрсатиши, ҳаётий тақлиф, ташаббуслар билан чиқиши зарур.

Учқун ШОЙИМУКОВ,
ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Партияимизнинг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳи ижтимоий масалалар жойлашган давралари таъминлаш дастури доирасида алоҳида эътибор қаратиб келаяпти. Хусусан, ўтган йили ижтимоий аҳамиятга эга 6 та масала шаҳар Кенгаши сессиясига олиб чиқилди. Натижада электротар манфаа-

тига қаратилган қарорлар қабул қилинишига эришилди, қарорлар ижроси депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан назоратга олинди.

Ҳаракат дастуриимизга асосан аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласида масъул ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо булар ҳали етарли эмас, деб ҳисоблайман.

Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, шаҳримизнинг янада обод бўлиши учун мутасадди ташкилотлар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар билан алоқаларни янада ривожлантириш зарур.

Давра суҳбатидида, шунингдек, Тошкент шаҳридаги туман партия кенгашлари раҳбарлари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи аъзолари, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари, фаоллар ва экспертлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллик тарихий йўлига бағишланган тадбирларни ўтказишда ижтимоий ислохотлар, ёшларга яратилаётган имкониятлар аҳамиятини очиб беришга эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Басандобону ЖАЛИЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Парламент назорати

Бухоро ва Самарқанд вилоятларида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг кенгайтирилган қўшма йиғилишлари бўлиб ўтди.

Уларда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ҳамда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунларнинг ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш яқунлари муҳокама қилинди.

Қонунлар ижросини таъминламасдан

ахборот ва сўз эркинлигига эришиб бўлмайди

Вилоятларда мазкур қонунлар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фаолият олиб бормоқда. Ҳар кимга ўз ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаати билан боғлиқ ахборот билан танишиш имкониятини таъминлаш, зарур ахборот ресурслари яратишга эътибор берилаяпти.

Бухоро вилоятида олиб борилган назорат-таҳлил жараёнида маълум бўлишича, вилоятдаги 88 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг 68 тасида ахборот хизмати ташкил этилган. Аҳоли ҳамда оммавий ахборот воситалари тезкор ахборот олишини йўлга қўйиш мақсадида Интернет тармоғида давлат идораларининг веб-сайтларини ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилляпти. Масалан, вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (www.bukhara.uz) тезкор кундалик ахборотлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилиб, ахборот ва маълумотлар деярли ҳар кун янгилаб борилаётган.

Депутатлар қонунлар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар билан бирга, йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни ҳам таҳлил этишди. Қайд этилдики, қонунлар ижросини таъминлашга ёндашув талаб даражасида эмас. Мисол учун, туман, шаҳар ҳокимликларида ташкил этилган ахборот хизмати фаолиятини юритиш асосан ҳокимликнинг бўлимлари ходимларига юклатилган. Веб-сайтларга ахборот ва маълумотларни жойлаштириб бориш учун мутахассислар жалб этилмаган. Шаҳар ва туман ҳокимликлари журналистлар учун матбуот анжумани, брифинглар, учрашув ва бошқа муҳим тадбирларни ўтказиш масаласига эътиборсиз қараган ҳоллар учрамоқда.

Қўшма йиғилишда, шунингдек, жамиятимизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-сиёсий ислохотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, улар томонидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари тўғрисида хабардор этишда маҳаллий ОАВнинг ўрнига ҳам тўхталиб ўтилди. Ҳозирда Бухоро вилоятида 41 та (36 та босма, 5 та электрон) ОАВ фаолият кўрсатмоқда. Таъкидландики, маҳаллий босма оммавий ахборот воситаларининг ҳаммаси ҳам бугунги талаб даражасида фаоли-

ят юритмаяпти. Жумладан, Бухоро шаҳар ҳокимлиги муассислигидаги «Бухоро оқшоми» газетаси огир иқтисодий аҳволга тушиб қолган. Муассислар томонидан таъсис шартномасида белгиланган талабларни бузиш ҳоллари ҳамон учраяпти. Шундай ҳолат Когон шаҳар, Жондор, Бухоро, Шофиркон, Қорақўл ва Ромитан туман ҳокимликлари муассислигидаги газеталар фаолиятида ҳам кўзга ташланади.

Депутатлар «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг вилоятдаги ижросини туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил этди. Вилоятда фуқаролар қабули, ариза ва шикоятлар, тақлифларни рўйхатга олиш ва уларнинг назоратини олиб бориш бўйича махсус компьютер дастурлари орқали корпоратив бошқариш тизими жорий қилинган.

Маълумотларга кўра, 2010 йилдан 2013 йилнинг биринчи чорагига қадар вилоят ҳокимлигига 6078 та ёзма, 1700 та оғзаки мурожаат бўлган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси **Ҳафиза Каримова**. — 2010-2012 йилларда банк, кредит масалалари, иш ҳақи ва имтиёзлар, нафақа ва моддий ёрдам, фермер хўжаликлари фаолияти, коммунал хизмат, транспорт масалаларидаги мурожаатлар олдинги йилларга нисбатан камайган. Аммо қонун ижросини таъминлашда муайян камчиликларга йўл қўйилмоқда. Хусусан, айрим давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида мурожаатлар вақтида қўриб қилинган. Бу мутасадди идоралар ходимларининг фуқаролар мурожаатларига нисбатан масъулиятини ошириш лозимлигини кўрсатади.

Қўшма йиғилишда муҳокама қилинган қонунлар ижроси «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синовини кўнгилдагидек ўтказишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида айтиб ўтилди. Ҳуқуқий экспериментнинг бориши бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш мақсадида йўлланган сўровларни қўриб чиқиш мuddатларини қисқарттириш, ахборот олиш соҳасида қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлиқни кучайтириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар берилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Тадбир

Турли идора ва ташкилотларни ҳуқуқшунос мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Нукус юридик коллежи ташкил этилган. Кунни кеча коллежда 202 нафар илк битирувчини мустақил ҳаётга тانتанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва масъул ташкилотлар мутасаддилари, коллеж педагогик жамоаси, ўқувчи-ёшлар, битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Шундай тадбир 2-сонли Нукус тиббиёт коллежидида ҳам ташкил қилинди. Коллежнинг 664 нафар битирувчисига диплом топширилди. Ўқув йили давомида уч томонлама тузилган шартномага асосан барча битирувчилар ўз иш ўринларига боришади.

Мнажотдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП депутати: мавзу атрофида мулоҳаза ва таклиф

Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш

електорат манфаатини самарали ҳимоя қилишда, партиянинг таъсир кучини оширишда муҳим ўрин тутади

Орадан кўп ўтмай у халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Фуркат Ҳамидовга ишга жойлашув масаласида ёрдам сўраб мурожаат қилди. Депутат унинг мутахассислиги билан танишиб, шунга мос бўш иш ўринларини ўрганиб, мутасадди ташкилот раҳбарларига мурожаат қилди ва масалани ижобий ҳал қилишга эришди. Ойбек Имяминов Олтиариқ туманидаги Вагонларни бўғлаб ювиш станциясига ишга жойлашди. Энг муҳими, мурожаат эътиборсиз қолмади.

Албатта, депутат зиммасидаги асосий вазифа электротар манфаатлари ҳимоясини таъминлашдир. Шунинг учун аҳолидан тушган мурожаатларнинг ҳар бирига жиддий эътибор қаратиш зарур. Бироқ бу борадаги ишлар ҳамма жойда ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоси **Махмуджон МАҲКАМОВ** мазкур мавзу атрофида мулоҳаза юритиб, мурожаатлар билан ишлашда депутатлар фоллигини ошириш юзасидан тақлифларини билдирди.

Мурожаатлар билан ишлашда ЎзХДПда ўзига хос тажриба бор

Партиянинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, обрў-эътибор қозониши кўп жиҳатдан унинг электротар билан ишлаш механизмига боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир партия унга ишонган, қўллаб-қувватлаган кишилар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни йўналтираётган масалаларни ҳал этишга қўмаклашишни ўз вазифаси, деб билади. ЎзХДП ташкилотлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари ҳам аини шу мақсадда ташкил этилган. Бугунга қадар у электротар ишончини қозонишда самарали механизмга айланиб улгурди.

Қабулхонага тушган мурожаатларнинг ҳар бирига жиддий эътибор билан қараяпти. Бунда асосан депутатлик сўрови ҳамда ижтимоий шерикчилик асосидаги муносабатлардан унутили фойдаланиш қўл келаяпти. Мурожаатларда кўтарилган масалалар депутатлар кўмагида тегишли идора ва ташкилотлар орқали ҳал этилаётгани Жамоатчилик қабулхоналарига ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Депутатларимиз фаоллиги ва масъулиятини оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлаяпти. Чунки мурожаатни ҳал қилиш учун депутат муайян масалани чуқур ўрганади,

(Давоми. Боши 1-бетда.)

шу асосда таклиф тайёрлайди. Таклиф партия фаоллари билан бирга муҳокама қилиниб маъқуллангач, тегишли идора ва ташкилотларга хат тайёрланади. Ҳар ҳафта тегишли жадвал асосида депутатлар ва партия фаоллари қабулхонага келган кишилар мурожаатини қабул қилади. Кўтарилган масала ечими бевосита қабулхона учун масъул шахс эътиборида туради.

Таҳлиллар кўрсатишича, аҳолидан тушган мурожаатларнинг асосий қисми коммунал хизмат, ўз иштини йўлга қўйиш, ишга жойлашиш, маҳаллий ижро ҳокимияти масъулиятини ошириш билан боғлиқ масалалар бўлмоқда.

Шунингдек, электротар вакиллари муайян масалада ҳуқуқий маслаҳат ва қўмакка эҳтиёж сезади. Шу боис мурожаатларни ҳал этишда малакали ҳуқуқшунослар ҳам жалб этилмоқда.

Жорий йилнинг шу кунига қадар вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатларимизга турли масалаларда 212 та мурожаат бўлган. Уларнинг 81 таси Жамоатчилик қабулхоналарига тушган. Мурожаатларни ижобий ҳал этиш мақсадида маҳаллий Кенгаш депутатлари мутасадди қорхона ва ташкилотларга депутатлик сўровлари билан чиқишди. Уларнинг аксарияти ижтимоий масалаларни ўз ичига олган.

Муҳими, мурожаатларни ечиш орқали кенг жамоатчилик билан алоқа ўрнатилиб, аҳоли орасига кириб борилаяпти.

Ижтимоий шерикчилик: мурожаатлар ечимиди қўл келади

Аҳолидан тушган мурожаатлар асосан ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларни

ўз ичига олган. Биз ҳар бир мурожаат, унда кўтарилган муаммо ёки таклиф бўйича алоҳида тартибда ишлаймиз. Баъзида шундай мурожаатлар бўладикки, масалани ўрганиш ва уни ечиш учун ишчи гуруҳи тузилади. Бунда гуруҳ таркибига малакали ҳуқуқшунос ва турли соҳа мутахассисларини ҳам жалб қиламиз. Муаммони бартараф этиш давомида фаоллар жойларга чиқиб, жамоатчилик фикрини чуқур ўрганади. Бу тажриба фаолиятимиз самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда гап кетганда, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, солиқ, ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармаси, Марказий банк ва бошқа ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик яхши самара бераётганини таъкидлаш лозим.

Камчиликлар ҳам бор...

Мурожаатлар билан ишлашда камчиликларимиз ҳам бор. Масалан, айрим депутатларимиз аҳоли мурожаатларига эътиборсиз қарайди, уларни ҳал этишга келганда турли сабабларни рўқач қилишади. Туман ва шаҳар партия кенгашларимизнинг ҳаммасида ҳам қабул тартиби асосида йўлга қўйилмаган. Мурожаатларни ҳал этишда депутатлар ва партия ташкилотларининг биргаликда ишлаш қўнимаси талаб даражасида эмас. Ижтимоий шерикчилик имкониятларидан ҳам етарли фойдаланилмаётди.

Ҳўш, сабаби нимада? Табиийки, бу муаммо туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари ва депутатлар лоқайдлиги, ўз ишига масъулиятсизлиги оқибатида вужудга келган, дейиш мумкин. Бу партияга қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, депутатлар Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятининг партия ҳаётидаги ўрни, электротар манфаатини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини етарли даражада тушуниб етиб, ўз ишини ижобий томонга ўзгартириши керак. Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада жонлантириш, жойларда кўмак қабулхоналар ташкил этиш, худудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишда депутатлик гуруҳларининг фаоллигини ошириш талаб этилади.

Шунингдек, депутатлик сўрови имкониятидан фойдаланиш, бунда мутасадди ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш чораларини кўришимиз лозим. Депутатлик сўровига бепасанд қараганларга ўз таъсир кучимизни кўрсатмасак, сўзимиз ерда қолади, одамлар ишончини оқлай олмаймиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Лазиза ШОМИЛОВА тайёрлади.

Қонун ва шарҳ

Мамлакатимизда оилалар мустақамлиги ва тотувлигини таъминлаш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади ва бу борадаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунончи 2013 йил 1 майда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг амалга киритилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Никоҳ ёши ва оила муҳофазаси

Мазкур қонунга мувофиқ, эрта никоҳ қилишнинг олдини олиш мақсадида, никоҳ муносабатларига киришишда қонунда белгиланган никоҳ ёшига амал қилмаслик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди.

Эндиликда никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинади. Ота-она ёки уларнинг ўрини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахс эрга берилса ёхуд уйлантирилса, энг кам ойлик иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш эса энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жиноят кодексига киритилган қўшимчаларга кўра, юқоридаги қонунбузилишларга йўл қўйган ва бунинг учун маъмурий жазо қўлланган шахслар томонидан қонун талаблари бузилса, уларга нисбатан қаттиқроқ жазо чораси қўлланилади.

Жумладан, маъмурий жазо олгандан кейин никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ қўрган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд ўч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Маъмурий жазо олган бўлишига қарамай, никоҳ ёшига етмаган фарзандини эрга берган ёхуд уйлантирган ота-она ёки уларнинг ўрини босувчи шахсларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ жазоси қўлланилади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширган, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланган шахсларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки ўч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ жазоси белгиланади.

Маъмурий ва жиноий жавобгарлигининг белгиланиши келгусида эрта никоҳ тузишнинг олдини олишга, ёш авлоднинг соғлигини

таъминлашга ва эрта никоҳ натижасида юзага келадиган салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, қатор қонун ҳужжатларига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Оила кодексининг 15-моддасига мувофиқ никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда никоҳга кириши хохловчиларнинг иттимосига кўра, никоҳ ёши кўпи билан бир йилга камайтирилади.

Мазкур қонун қабул қилинганига қадар ушбу узрли сабаблар аниқлаштирилмаган эди. Эндиликда никоҳ ёшини камайтириш асослари аниқ белгиланган бўлди.

Оила кодексининг 53-моддасида мажбурият тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тартиби кўзда тутилган. Ушбу модданинг эски тахририда мажбурият тузилган никоҳ жабрланувчи ёки прокурорнинг аризаси асосида ҳақиқий эмас, деб топилиши белгиланган эди. Янги тахрирга кўра мажбурият тузилган никоҳ жабрланувчининг қонуний вакилларининг аризаси билан ҳам ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Оила кодексининг 107-моддаси

га мувофиқ вояга етмаган болани ота-онасидан олиб, уни болалар тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқаришда суд ота ва онанинг ҳар бирдан мазкур муассаса фойдасига қонунда белгиланган миқдорларда алимент ундириш кўзда тутилган эди. Оила кодексининг 99-моддасига биноан вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми, икки бола учун — ўндан бир қисми, ўч ва ўндан ортиқ бола учун — ярмиси миқдорда алимент ундирилади.

Юқорида қайд этилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар миллий анъаналар ҳамда замон талабларини ҳисобга олган ҳолда оила институти янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ёш авлоднинг баркамол ривожланишини таъминлашга, болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини янада қучайтиришга хизмат қилади.

Қонунга ушбу норманинг киритилиши болалар тарбия муассасасини тамомлаган вояга етган битирувчи ўзининг янги ҳаётини бошлаши учун маълум миқдордаги шахсий маблағга эга бўлишига имкон беради.

Маълумки, Оила кодексининг 151-моддасига мувофиқ фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг ари-

засига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра, туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилган. Эндиликда киритилган ўзгартишга асосан болаларнинг фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар суд тартибидида кўриб чиқилади. Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни суд тартибидида кўриб чиқиш тартибининг ўрнатилиши болалар ва фарзандликка олиувчиларнинг ҳуқуқлари суд томонидан ҳимоя қилинишини, фарзандликка олишнинг сир сақланишига риоя этилиши ҳамда қонун ҳужжатлари бузилишининг олди олинишини таъминлайди.

Юқорида қайд этилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар миллий анъаналар ҳамда замон талабларини ҳисобга олган ҳолда оила институти янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ёш авлоднинг баркамол ривожланишини таъминлашга, болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини янада қучайтиришга хизмат қилади.

Саодат ХУДАЙҚУЛОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди ҳузуридаги
Тадқиқот марказининг
бош консультанти.



Хориж

Ортиқча вазн

ҳомиланинг эрта туғилишига сабаб бўлади

Швеция ва америкалик олимлар томонидан «Journal of the American Medical Association» журналида чоп этилган мақолада қайд этилишича, ортиқча вазнга эга ёки семиз ҳомилалар аёлларда туғиш муддатидан аввал юз бераркан.

Олимлар 1992 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда бир ярим миллион ҳомилалар аёл ҳаётини ўрганиб-кузатиб, шундай хулосага келдилар.

Уларнинг айтишича, бўйи 167 сантиметр бўлган ҳомилалар аёлнинг вазни 70 дан 83 килограммгача бўлса, у ортиқча вазнга эга ҳисобланади. Агар 83 килодан ортиқча вазнга эга бўлса, у ҳолда бу семизлик касалига мубтало бўлганини аниқлади. Айналарда 25 фоиз ҳолда муддатидан эрта туғиш кузатилади.



Каролина институти доктори Свен Кнаттингус журналистларга интервью бера туриб, Швецияда ҳомилалар аёлларнинг 34 фоизи ортиқча вазнга ёки семизликка гирифтор бўлганини алоҳида қайд этди.

Умрни узайтириш учун

солиқ солинмоқда

Бугунги кунга келиб Европада ўртача умр 79 ёшга етди. Бироқ буни мамлакатларга қийинлаштирган бўлса, ҳар бир давлатда ўртача умр турличадир. Хусусан, Дания аҳолиси бу борада анча ортда қолмоқда. Шу боис мамлакат ҳукумати аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш ва умрини узайтириш мақсадида 2011 йилдан бундан ёнги озиқ-овқатларга алоҳида солиқ тартибини қўллаб келмоқда.

«АР» АА хабарига қараганда, солиқ тайёр маҳсулотдаги ёғлар таркибига қараб эмас, балки ингрентлардаги ёғлар миқдорига нисбатан белгиланмоқда.

Дарвоқе, Данияда Европанинг бошқа мамлакатлари сингари озиқ-овқат маҳсулотлари ва алкоголь-

сиз ичимликлар таркибидидаги шаклар миқдори учун ҳам қўшимча солиққа тортиш амалиёти қўлланиб келинмоқда.

Бугунги кунда қўшимча солиқ боис ёғ ва шаклар маҳсулотлар нархи Данияда анча қimmat. Бу эса уларнинг қамроқ истеъмол қилинишига сабаб бўлаётти.

Реклама ва эълонлар

Янги лойиҳалар – янги иш ўринлари

«Агробанк» ОАТБ Жиззах вилояти бошқармаси фаолияти ҳақида

Бошқарма таркибидида 12 та туман филиали ва 15 та минибанк, 8 та махсус касса қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланувчи корхона ва муассасалар, бюджет ташкилотлари, кичик бизнес ҳамда бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда. Чунончи, жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида банк ва унинг филиаллари томонидан 165 та фермер ҳўжалигига жами 5 миллиард 179 миллион сўм кредит маблағлари йўналтирилган бўлиб, шундан 75 та фермер ҳўжалигига 3 миллиард 227 миллион сўм узоқ муддатли кредит ажратилган. Бунинг натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 10 миллиард 120 миллион сўмни ташкил этиб, ҳудудда 500 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Банк филиаллари томонидан жорий йилда галлачилик ва пахтачиликдан юқори ҳосил олиш мақсадида зарурий агротехник тадбирларни амалга ошириш учун 47 миллиард 288 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағи ажратилди.

Қишлоқ ҳўжалиги техникалари сотиб олиш учун жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, 6 та ҳайдов ҳамда 22 та чопик трактори учун жами 1 миллиард 866 миллион сўм миқдорда кредит йўналтирилди.

Шу ўринда бир мисолни келтирсак: банкнинг Жиззах тумани филиали томонидан «Фирдавсий»

фермер ҳўжалигига Беларуснинг «МТЗ-1025» русумли ҳайдов трактори, Дўстлик тумани филиали эса мижози «Абу ота» фермер ҳўжалигига «ТС-135» русумли ҳайдов трактори харид қилиш мақсадида кредит маблағлари ажратди. Шунингдек, 2013 йилда 78 та фермер ҳўжалигига боғдорчилик, паррандачилик, баллиқчилик, чорвачилик ва асарчиликни ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун жами 1 миллиард 880 миллион сўм миқдорда банк кредити йўналтирилиб, бунинг эвазига вилоятда қўшимча 225 та янги иш ўрни яратилди.



Масалан, банк филиали Жиззах тумани «Мавлон ота» фермер ҳўжалигига боғ ташкил этиш мақсадида ускуна ва кўчат сотиб олиш учун 500 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратди. Ҳозирги пайтда экилган меваги кўчатлар бехато ўсмоқда. Яқин бир-икки йилда боғ мевага кириб, элимиз дастурхонини тўқин қилади.

Яна бир мисол. Банкнинг Фаллол филиали мижози бўлмиш «Нозима Мухлис» фермер ҳўжалигига насли чорва моллари харид қилиш учун молия муассасаси томонидан 75 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди.

Банк сармоялари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар натижасида воҳада тармоқлар ривожланиб, ишлаб чиқариш салмоғи ортмоқда, кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда, аҳоли фаровонлиги ошмоқда.

Мухтасар айтганда, бугун «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Жиззах вилоят бошқармаси ҳамда унинг филиаллари нафақат агросаноат мажмуига, балки барча соҳаларда фаолият юритувчи мижозларга банк хизмат кўрсатмоқда.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани ҳокимлиги

қуйидаги объектни муқаммал таъмирлаш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманидаги Ат-Термизий кўчасида бир қаватли икки хонадонга мўлжалланган яшаш уйи қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 566,382 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 471,985 млн.сўм, қурилиш муддати – 90 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани ҳокимлиги.

Манзили: Жарқўрғон тумани, Тел: (8-376) 43-21-008.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш – туманининг маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдордаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қасдотномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий мала-

ка, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли

қарорларига асосан ушбу объектнинг танлов савдоларида оферталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда устуллик кичик бизнес субъектларига берилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – «Давархитекттурилиш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳар, Амир Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши кунни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳар, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ургут туман ободонлаштириш бошқармаси

2013 йилда қурилиш режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш муддати
1.	Ургут тумани, Ургут шаҳридаги «Дўстлик» маҳалласи ҳудудидида маданият ва дам олиш истироҳат боғи қурилиши (1-навбат қурилиши)	827 215 604 сўм	992 658 725 сўм	3 ой

Қурилиш ишлари ҳомийлик маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси – Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Ургут туман ободонлаштириш бошқармаси.

Манзили: Ургут шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 111-уй. Телефон: (8366) 483-02-06.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг қийматининг камиди 20 фоизи миқдордаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қасдотномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мута-

хассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўқаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, қўнималарга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўров-

нома билан савдо ташкилотчиси – Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус -2Д, 403-хона. тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламнинг қиймати – 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунни ва соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камиди 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносида соат 10-00 да** ўтказилади.



«Ғалабамни мустақиллигимизнинг ийгирма икки йиллигига бағишлайман»

— дейди XXVII Бутунжаҳон универсиадаси олтин медали совриндори Ҳасанбой Дўстматов

Мусобақа дастуридан жой олган бокс баҳсларида мамлакатимиз «чарм қўлқоп» усталири бир-биридан муҳим ва чиройли ғалабаларни қўлга киритди. Марс Қўқоров бош мураббийлигига тўққиз спортчимиздан саккиз нафари ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди.

Ўзбекистон спорт делегацияси ғазнасида илк олтин медални ҳам айнан боксчиларимиз тўхфа этди. Ўз вази тоифасида умидли спортчимиз Ҳасанбой Дўстматов (49 кг) озарбайжонлик Араз Имамакиев, тожикистонлик Файзмамад Малахбеков, мўғулистонлик Ган-Эрдене Ганхуяглари мағлубиятга учратиш, финалга чиқди. Олтин медаль учун ўтган ҳал қилувчи беллашувда Жанубий Корея вакили Ин Кю Кимни катта устунлик билан енгган ҳамюртимиз Бутунжаҳон универсиадаси чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

— Ушбу ғалабамни мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлайман, — дейди Андижон давлат

(Давоми. Боши 1-бетда.)

университети талабаси Ҳасанбой Дўстматов. — Мусобақада бирорта ҳам жанг осон кечгани йўқ. Мураббийларим кўрсатмаларига қатъий амал қилиб, ҳар бир учрашувга жиддий тайёргарлик кўрганамиз. Эвазига уларнинг барчасини ғалаба билан яқунладим. Бундан ташқари, Қозонга келаётганимда ота-онам ва дўстларимга универсиададан фақат ғалаба билан қайтишга сўз бергандим. Ваъданинг устидан чиққанмдан жудаям хурсандман. Ўз навбатида, ана шундай муваффақият учун катта замин яратиб берган Президентимизга раҳмат айтмоқчиман. Чунки бу ғалабалар замирида, аввало, мамлакатимизда спортни оммалаштиришга қаратилган катта эътибор ва ғамхўрлик ётибди.

Мурсасиз ва шиддатли кечган бокс учрашувлари якунида вакилларимиздан Фазлиддин Гойибназаров (60 кг), Хуршидбек Норматов (69 кг), Азизбек Абдуғофуров (75 кг), Рустам Тулаганов (91 кг)лар кумуш, Жасурбек Латипов (52 кг), Элшод



Расулов (81 кг) ва Мирзохиджон Абдуллаев (+91 кг) бронза медалини қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида бир олтин, тўрт кумуш ва учта бронза медали жамғарган Ўзбекистон боксчилари универсиадада иштирок этган қирққа яқин мамлакат ораси-

да фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Оғир атлетика беллашувларида ҳам Ватанимиз спортчилари мутахассис ва мухлислар эътиборини қозонмоқда. Унда ҳозиргача штангачиларимиз кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлдилар. Жумладан, эркалар ўртасида Улғбек Алимов (77 кг) штангани даст кўтаришда 154, силтаб кўтаришда 197, иккикураш натижасида 351 килограмм натижага қайд этиб, кумуш медал билан тақдирланди.

Қизлар ўртасидаги баҳсларда моҳир спортчимиз Манзураҳон Мамасолиева (69 кг) эса штангани даст кўтаришда 97, силтаб кўтаришда 125, иккикураш бўйича 222 килограмм натижа билан учинчи ўринни эгаллаб, терма жамоамизга навбатдаги бронза медалини тақдим этди.

Кеча кечкурун эса оғир атлетика бўйича бошқа вази тоифалари бўйича ҳам навбатдаги беллашувлар ўтказилди. Унда иқтидорли оғир атлетикачимиз, Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори Руслан Нуриддинов (105 кг) майдонга тушди.

Универсиада дастуридан жой олган самбо, байдарка ва канозда эшак эшиш баҳслари эса бугун бошланади. Вакилларимиз кунга мазкур мусобақаларда муносиб қатнашиш учун энг сара таркиб билан Қозон шаҳрига жўнаб кетдилар.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Ёшлар — мамлакат таянчи

«Келажак овози» ёзги ўқув оромгоҳида

Этти йилдирки, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар кўмағида Шаҳрисабз туманида «Келажак овози» ёзги ўқув оромгоҳи ташкил этиб келинмоқда. Ундан кўзланган бош мақсад — ташаббускор ва интилувчан ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишдир.

Шу йилнинг 1 июлидан ўз фаолиятини бошлаган оромгоҳ тадбирларида айни чоғда 600 нафардан ортиқ йигит-қиз қатнашмоқда. Лойиҳа иштирокчилари ўз қизиқишларидан келиб чиқиб, матбуот ва интернет журналистикаси, тележурналистика, хорижий тиллар, ахборот технологиялари, маданият ва санъат, бизнес ва тадбиркорлик, менежмент каби йўналишлар бўйича гуруҳларга бўлинган. Улар республикамизнинг таърибли мураббийлари ва Австрия, Германия, Россиядан келган етакчи мутахассислар томонидан олиб бориладиган маҳорат дарслари, семинар-тренинг ва амалий машғулотларда иштирок этмоқда.

Дарсларнинг амалий қисмида эса жамоалар турли тақдиротлар, матбуот анжуманлари, бахс-мунозаралар ва бизнес-форумлар ўтказмоқда. Бундан ташқари, маданий дастурлар доирасида турли интеллектуал ўйинлар, миллий либос-



ларимиз дефилеси, конкурслар, театрлаштирилган чиқишлар, спорт мусобақалари ҳамда танқили шахслар билан учрашувлар ташкил этилган.

«Келажак овози» ёзги ўқув оромгоҳи ёшларнинг билим ва малакасини янада ошириш, янги қўқиларни забт этишга интилишини кучайтириш борасида ўзига хос шижоат майдонига айланган, десак, муболага бўлмайди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

Футбол

Ким чемпион бўлади?

Бугун Туркияда футбол бўйича ёшлар (U-20) ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионати ғолиб ва совриндорлари номи маълум бўлади.

Йигирма кундан зиёд давом этган ушбу нуфузли мусобақанинг ҳар бир учрашуви муҳлислар диққат марказида турибди. Гуруҳ ва «плей-офф» ўйинлари орқали сараланган тўртта энг кучли терма жамоа ярим финалга йўлланма олганди.

Финал йўлланмаси учун кечган баҳсларнинг дастлабкиси-

да Франция ёшлар терма жамоаси Гана футболчилари устидан 2:1 ҳисобида зафар қучган бўлса, иккинчи жафтлиқда Уругвай — Ироқ вакиллари ўзаро рўбарў келишди. Унда китъадошларимиз биринчи бўлиб ҳисобни очди. Аммо учрашувнинг асосий вақти тугашига икки дақиқа қолганида уругвайликлар мағлубиятдан

қутулиб қолди — 1:1. Натижада жамоалар яна 15 дақиқадан иборат қўшимча бўлимларда майдонга тушди. Бироқ ҳисоб ўзгармади. Пенальтилар сериясида эса омад Уругвай ёшларига қулиб боқди — 7:6.

Энди бугун бўлидиган финал баҳсида Франция — Уругвай терма жамоалари майдонга тушса, Гана — Ироқ футболчилари учрашувида бронза медали тақдири ҳал этилади.

Дилноза АБДУРАҲМОнова

Оғоҳлик — давр талаби

Ишончли ва кафолатли қўриқлаш

Хозир айни ёз фасли. Бундай пайтда кўпчиликлари дала-ҳовлиларда яшашни маъқул кўради. Болалар эса ёзги оромгоҳларга, қишлоқлардаги қариндош-уруғлариникига йўл олади. Ота-она ишда, хонадон эса қаровсиз... Бундай ҳолатда энг тўғри йўл — қўриқлаш хизматида мурожаат қилиш. Хонадонларни сигнализация билан жиҳозлаш ва Ички ишлар идоралари қўриқлаш бўлиминининг техник қўриқлаш пунктлари (ТҚП)га улаш бугунги кунда ҳаммабоп, янаам аниқроқ қилиб айтилганда, ҳамёнбоп хизматлардан бири ҳисобланади. Бир хонадонни бир ой давомида ТҚП ёрдамида қўриқлаш учун олинадиган ҳақ ҳозирда 17277 сўмни ташкил қилади. Бу ҳақ хавфсизлик ва хотиржамлик учун тўланаётганини эътиборга олсак, унча катта маблағ эмас. Айрим хонадонлар кабель телевиденияси учун шунга яқин маблағни сарфлашини ҳам эсдан чиқармайлик.

Республика ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлиминининг давлат миқёсида моддий-товар бойликларнинг қўриғини амалга оширувчи ягона ташкилот ҳисобланади. Қўриқлаш хизматидаги илк ўзгаришлар 1991 йилнинг ноябрь ойида Ички ишлар вазири ҳузурида Республика «Қўриқлаш» бирлашмаси ташкил этилишидан бошланган. Ислохотлар натижасида милиция қўриғи кучайтириб борилди ва ўтган 22 йил давомида шаходатланган ҳодимлар ва улар қўриғидаги объектлар сони уч баробарга ортди. 1996 йилда улар томонидан 2203 та объект қўриқланган бўлса, 2013 йилга келиб, бу кўрсаткич уч ярим мингдан ошиб кетди.

Хизматда, айниқса, ўта муҳим объектларнинг ишончли қўриғи, хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратишмоқда. Кейинги 22 йил давомида бу

хизмат томонидан қўриқланаётган ўта муҳим объектлар сони уч баробарга ошди. Шу билан бир қаторда, уларнинг қўриғи, хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган шахсий таркибининг жанговар ва касбий тайёргарлиги мунтазам равишда ошириб боришмоқда.

Бугунги кун қўриқлаш ва хавфсизлик тизимини замонавий техник воситаларсиз тасаввур этиш қийин. Қўриқлаш хизматида бугунги кунда микроэлектроника ва микропроцессор техникасининг энг сўнгги ютуқларига асосланган асбоб-ускуналардан фойдаланишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қўриқлашнинг самарадорлиги, ишончилиги даражасига ижобий таъсир кўрсатяпти. Бу ҳар бир ТҚПда кеча-ю кундуз навбатчиликни амалга оширадиган қўлга олиш гуруҳларининг тезкорлигини таъминлади.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚ BANKI

АҲОЛИГА ЯНАДА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

Хоразмда «Чакана банк хизматлари маркази» ишга тушди

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотларда Давлати-жирот Халқ банки ходимлари фаол иштирок этган ҳолда банк-молия тизими ривожига ҳам муносиб улуш қўшиб келмоқдалар. Жорий йил июль ойи бошида молиявий муассасанинг Хоразм вилояти филиали томонидан Урганч шаҳрининг ал-Хоразмий кўчасида «Чакана банк хизматлари маркази» очилди. Таъкидлаш жоизки, янги марказ мижозларга замонавий чакана банк хизматлари кўрсатувчи ва маслаҳатлар берувчи алоҳида банк бўлинимасидир.



— Халқ банки томонидан мижозларга янада қулайлик яратиш мақсадида ташкил этилган ушбу марказ

фаолиятдан шахримиз аҳолиси мамнун бўлди, — дейди Урганч шаҳар ҳокими ўринбосари Саломат Эржонова. — Зеро, бу ерда аҳоли

ва мижозларга намунали ва тезкор банк хизматларини кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Бу эса молия муассасаси ва аҳоли ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, «Чакана банк хизматлари маркази» замонавий техника билан тўлиқ таъминланган, мижозларга кенг қўламдаги молиявий хизмат кўрсатилмоқда. Шу ернинг ўзида аҳолидан коммунал тўловлар қабул қилинмоқда, халқро пул ўтказмалари орқали пул маблағларини ўтказиш мумкин. «UzPaynet», пластик картончалар орқали барча хизматни кўрсатиш ва аҳолига истеъмол кредитларини ажратиш каби хизматлар йўлга қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, замонавий марказ орқали аҳоли ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифати янада ошиб, кўлами кенгайди.

Халқ банкининг Хоразм вилояти филиали томонидан жорий қилинган янги лойиҳанинг кейинги босқичларида бундай марказларни вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ташкил қилиш режалаштирилган.

Халқ банки Матбуот хизмати.

Реклама ўрнида

ЎБ-ХАВО	18-14 = 07. 2013
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+18 / +23	+34 / +39
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+18 / +23	+34 / +39
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
+18 / +23	+34 / +39
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+18 / +23	+35 / +40
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
+18 / +23	+31 / +36
Тошкент шаҳри	
+21 / +23	+37 / +39

Тошкент шаҳар, Учтепа туманидаги 54-катталар таълим маркази томонидан 2006 йилда Иргашева Умида Ҳабибуллаевна номига берилган О'Р-Ш №0537180 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Газетанинг 2013 йил 2 июль, 78-сонида берилган эълондаги «Агро-саноат мулк маркази» МЧЖ Қорақалпоғистон филиали аукцион савдосига қўйилган 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/659 ААА бўлган «Камаз-5511» русумли автомашинанинг бошланғич нархи 8 016 000 сўм, деб ўқилсин.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ТО'РАҚО'РГ'ОН SHIRINLIK AGRO» агрофирма қўшма корхонаси таъсисчиларининг 2013 йил 8 июлдаги 8-сонли йиғилиши баёни қарорига асосан, устав фонди 4 175 078 650,57 сўмдан 2 926 908 506,57 сўмгача камайтирилишини маълум қилади.

Давво ва эътирозлар Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳри, Наманган кўчаси, 2-уйда қабул қилинади. Телефон: 8(369)442-24-80.

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

ТАХРИР НАЙ'АТИ:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farroh HAMROYEV
(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faollari — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamotchiлик bilan aloqalar va huquqliq targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Ko'ribiyot — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746

10622

nuxsada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 20.50

Topshirilgan vaqti — 21.25

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 5